

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKUMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna ИККИНЧИ ЈАҲОН УРУШИ YИLLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUXORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLUKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARNING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Адилов А.А.

«Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» кафедраси доценти, т.ф.д.

Ўзбекистон Миллий университети

A_odilov@gmail.com

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН

АННОТАЦИЯ

Мақолада Туркистонда Янги иқтисодий сиёсат (1921–1924) даврида совет ҳокимиятининг диний сиёсати, унинг мусулмон аҳоли билан муносабатлари ҳамда динга нисбатан муросали ва мафкуравий ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг диний ташкилотлар ва руҳонийларга муносабати, динга қарши тарғибот сиёсатининг шаклланиш жараёни ёритилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Янги иқтисодий сиёсат, совет ҳокимияти, диний сиёсат, ислом, мусулмон руҳонийлари, атеистик тарғибот.

КИРИШ

Таъкидлаш жоизки, XX аср 20-йиллар бошларига қадар бўлган давр совет давлати ҳукмронлиги учун мураккаб ва кескин, зиддиятли ва қарама-қарши жараён ва воқеликларга бой тарзда кечди. Мазкур давр ички сиёсатда совет давлати ва большевиклар партиясининг собиқ империя ҳудудида пролетариат диктатурасини ўрнатиш, “Ҳарбий коммунизм” сиёсатини жорий этиш, “Қизил террор”, Қизил армиянинг зўравонлик ҳаракатлари, совет маъмуриятининг аввал баландпарвоз оҳангдаги чақириқлари кейинчалик ҳар қандай усул билан ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракати, маҳаллий халқлар чекка миллий ҳудудлардаги аҳоли миллий ва диний ўзига хосликни тан олмаслик, улар учун мутлақо бегона ғоялар ва мафкурани сингдиришга ҳаракат, халқларнинг ўз озодлиги, давлатчилик асосларини барпо этишга бўлган саъй-ҳаракатларини менсимаслик, унга қарши аёвсиз кураш, мамлакатда авж олган хонавайрончилик, ҳосилсизлик, нарх-навонинг кескин кўтарилиши, ишсизлик, қашшоқлик, очарчилик, юқумли касалликларнинг тарқалиши ва авж олиши, жиноий тўдаларнинг бедодлиги, кўп ҳолда анархия ҳамда бошбошдоқликнинг кучайиши ва бошқалар билан изоҳланар эди. Биринчи жаҳон уруши ва унинг асоратлари, чет эл интервенцияси, Россиядаги фуқаролар уруши, Туркистондаги қуроли қаршилиқ ҳаракати, халқ оммаси ичидаги оммавий норозилик - буларнинг барчаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволни ниҳоятда кескинлаштириб, мамлакатни ҳар томонлама таназзулга дучор қилган эди. Асосий уруш ўчоқларини тугатган Совет Россияси учун 1921-бошланган йил “Ҳарбий коммунизм” ва у билан боғлиқ сиёсат эндиликда мақбул бўлмай қолганлигини реал вазият ҳам исбот қилиб турарди. Мамлакатда юқорида таъкидланган ўта оғир аҳвол большевиклар олиб бораётган ички сиёсатда тезлик билан ўзгаришлар

қилиниши лозимлигини ҳукумат, унинг раҳбарияти ҳам тан ола бошлаган эдилар. Бу ҳол совет ҳукумати раҳбари В.И.Ленин ташаббуси билан РКП(б)нинг 1921 йил 8-16 март кунлари бўлиб ўтган X съездида қабул қилинган “Янги иқтисодий сиёсат” дастурида ҳам ўз ифодасини топган эди[1]. И.И.Лениннинг ўзи ҳам “Ҳарбий коммунизм” сиёсати хато бўлганлигини тан олиб, ўзининг 1921 йил 17 октябрдаги “Янги иқтисодий сиёсат ва сиёсий-оқартув муассасаларининг вазифалари” номли маърузасида уни эътироф этиб, жумладан, “...тўғридан-тўғри коммунистик ишлаб чиқаришга ва тақсимотга ўтишга қарор қилиб хато иш қилган эдик”, деб ёзган эди[2].

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли Туркистон Компартиясининг 1921 йил августида бўлиб ўтган VI съезди, Туркистон АССР Советларининг 1921 йил сентябрдаги X съезди қарорларида тасдиқланди[3]. Уларда ўлка иқтисодий ривожланиши бевосита совет тузумининг мустаҳкамланиши ва коммунистик жамият барпо этиш жараёни билан боғланди. Шубҳасиз, мазкур ҳолат соғлом бозор муносабатлари намоён бўлиши имкониятларини чеклар, мустақил тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларига тўсиқ бўлар эди. Бу борада Туркистон АССР МИҚ 1921 йил давомида (хусусан, апрель-май ойларида-муаллиф) қатор қарорлар қабул қилган эди. Мазкур иқтисодий сиёсатни амалга ошириш вақтида кўплаб зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам юзага келдики, унинг боиси янги иқтисодий сиёсат йўли тамойилларининг ҳукмрон марксча-ленинча коммунистик мафкура ғоясига мос келмаслигида намоён бўлар эди. Бир томондан, янги иқтисодий сиёсат эълон қилган мулкчилик турли шакллари, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик, иқтисодий ва сиёсий эркинлик ғоялари турган бўлса, иккинчи томонда уни тамомила инкор этувчи ҳукмрон коммунистик партия мафкураси турар эди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт бобида зиддият ва қарама-қаршиликнинг кучайишига сабаб бўларди[4]. Янги иқтисодий сиёсат тамойилларини ҳаётга тадбиқ қилиш жараёни Туркистон ўлкасида, унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аввал бошида мураккаб ва зиддиятли тарзда кечди. Кўпгина масалаларни ўз вақтида ечилмаганлиги, совет маъмуриятининг иш ечими сифатида тайзиқ ва зўравонлик йўлини танлаши, иқтисодий инқироз ва бошқалар омма орасидаги муҳолиф кучларнинг қаршилигини кучайтирди. Хусусан, 1921 йил охирларида Тошкентда махфий тарзда ўтган миллий ташкилотлар вакилларининг йиғилишида совет ҳукуматига ён босмаслик, унга қарши қуролли ҳаракатни давом эттириш, бир вақтнинг ўзида хўжалик ва сиёсий ҳаётга раҳна солиш масалалари кўтарилди[5]. 1922 йил апрелида ёпиқ ҳолда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Мусулмон Туркистон конгресси” Туркистон-Турк давлати тузилганини эълон қилиниб, хусусий мулк эгаллиги сақлаб қолинган ҳолда шариат қоидалари тикланиши билдирилди[6].

Лекин эътироф этиш лозимки, 1921 йил бошланган янги иқтисодий сиёсат йўли иқтисодий ҳаёт бобида маълум ижобий силжишларга, барқарорликнинг ўрнатилишига, қишлоқ хўжалигининг бир ўзанга тушиб ривожланишига, молиявий ислохот, «червонец» пулларининг муомалага чиқарилиши, пул муомаласининг яхшиланишига, ер-сув ислохоти боис деҳқонлар маълум ер участкаларига эга бўлишига, товар-пул муносабатларининг тараққий топиши, корхона, завод, фабрикаларнинг очила боришига, кооперация ишлаб чиқариши, саноат соҳасининг ўсишига, аҳоли турмуш шароитининг маълум даражада яхшиланишига ҳам олиб келганлигини ҳам таъкидлаш жоиз[7].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, совет ҳукумати собиқ империя аҳолисининг яна бир фарқли жиҳати - яъни, унинг юқори диндорлик даражаси, диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, кенг халқ оммасига бўлган таъсирини ҳам ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Бу даврда православ христианлар аҳолининг 50,94% ни мусулмонлар - 34,54%ни ташкил этган. В.И.Ленин раҳбарлигидаги совет ҳукумати динининг ўрнини қайд этиш, унинг илдизлари капитализм ва самодержавиега бориб тақалганлиги боис, шу икки томонга қарши курашга алоҳида эътибор берар эди[8].

Маънавий ҳаёт, хусусан, дин, диний сиёсат борасида ҳам янги иқтисодий сиёсат даврида маълум ўзгаришлар бўлганлигини кўриш мумкин. Албатта, мазкур ўзгаришларнинг кўп ҳолда ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд эди. Қайд этиш лозимки, большевикларнинг моҳиятан атеистик мазмунга эга сиёсати, улар ҳокимиятга келган вақтларидан бошлаб фаол тарзда тадбиқ этилган бўлса, янги иқтисодий сиёсат даврига келиб бу борада маълум ўзгариш ҳам юзага келди. Аввало совет ҳокимияти ўлкада ўз мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида, диний сиёсат борасида маълум мутаносиблик, келишувчанлик, бошқача қилиб таърифлаганда “вақтинча тактик чекиниш” йўлини олиб борди. Шу ўринда эътиборли масаланинг яна бир томонга эътиборни қаратиш лозим. Тўғри, совет давлати томонидан 1918 йил 23 январда “Давлатни диндан, мактабни черковдан ажратиш тўғрисида”ги ХКС қарори РСФСР Конституцияси 13-моддаси, қолаверса 1918 йил қабул қилинган Туркистон АССР Конституциясида (1922 йил сентябрь, 12-модда) деярли шундай таъкидни ўзида жо қилган эди[9]. Лекин, эътироф этиш лозимки, бу ҳолат юқорида ҳам таъкидланганидек, асосан собиқ империя самодержавиясининг маънавий таянч бўлган рус православ черковига нисбатан тадбиқ этилди. Маҳаллий аҳоли аксарият тарзда бу қарордан хабари йўқ бўлиб, совет давлатининг ўша 1918 йил 23 январдаги қарори маҳаллий тилларга таржима ҳам қилинмаган, тарғибот ҳам қилинмаган эди. Бу эса ўз навбатида совет ҳокимияти учун маҳаллий аҳоли билан мулоқотида жуда қўл келган. Совет давлатининг динга ён бериши НЭПдан аввалроқ, 1920 йиллар охирлари -1921 йил бошига тўғри келади. Юқорида қайд қилинганидек, совет ҳукумати Туркистон ўлкасидаги реал ички сиёсат аҳвол танглиги, коммунистик ғояларининг ўлка ижтимоий-маънавий қадриятларига зидлиги, туб аҳолининг ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари, менталитети, сиёсий, диний қарашларини ҳисобга олмаслик - ўзаро кескинлик ва таназзулни янада чуқурлашишини англаган ҳолда ўз ички

сиёсатида бу воқеликни ҳисобга олди. Хусусан, 1921 йил 10 январда Туркистон АССР МИҚи декрети билан мусулмонлар учун энг фазилятли ва хосиятли кун бўлмиш - Жума куни “дам олиш куни”, деб эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида мусулмон аҳолиси ичида совет ҳукуматида бўлган ҳайрихоҳликни кучайишига хизмат қилди[10].

РКП(б) МК Сиёсий бюроси 1921 йил 14 октябрда “Туркистон масалалари бўйича” қабул қилган қарорида масжидлардан тортиб олинган ерларни қайтариш ва шариат судлари (қозилик, бийлик) судларига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилди. Туркистон ички сиёсий аҳвол моҳиятидан келиб чиққан ҳолда масала ижобий ҳал бўлганлигини қарор матни ҳам тўлиқ тасдиқлаган эди[11].

НЭП давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволини ўзгариши шубҳасиз унга бирламчи равишда ўзгартиришлар амалга оширишга ундар эди. Ўлка аҳолиси орасида ислом динининг тутган ўрни ва мавқеини тан олмаслик, уни инкор этиш, динга қарши ашаддий кураш маҳаллий халқларнинг совет ҳокимиятига қарши курашини янада кучайтириб юборишини совет раҳбарияти ҳам яхши англади[12]. Бундай шароитда “динга қарши курашда жуда эҳтиёткор бўлиш”, уни бевосита инкор этмаслик, курашни янгича аснода, яъни тарғибот-ташвиқот ишларига кенг урғу бериш, совет услубидаги мактаб, клуб, кутубхона ва бошқа маданий-оқартув ишлари тармоғини кенгайтириш, саводсизликни тугатиш учун советча саъй-ҳаракатларини амалга ошириш, пролетар маданияти (“пролекульт”) учун кураш, “маданий инқилоб”ни ҳар томонлама амалга ошириш, диний ташкилотларнинг “синфий характердаги” муассасалар эканлигини кўрсатиш орқали курашиш лозим эканлиги тўғрисидаги марказ кўрсатмаларига амал қилинди[13]. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, Туркистон шароитида кўп ҳолда диний кураш, аввал ҳам таъкидланганидек, православ черкови ва унинг мавқеига қарши қаратилган эди. Масалан, европалик аҳоли учун мўлжалланган мактаб-маориф тизимини 1918 йил 12 декабрда Туркистон советларининг 5-ўлка съездида “Закон Божий” предмети ўтишни ман этиш масаласи кўтарилган эди[14]. Унга биноан Туркистон маориф Халқ комиссарлиги 1919 йил 18 февралдаги декретга кўра “Закон Божий” предметини ўқитиш тўхтатилинади[15]. Совет давлати ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб бориб, ўлкада қуролли қаршилик ҳаракатининг асосий ўчоқларига барҳам бергач, Бухоро, Хива хонликларини тугатиш ва уларда советлар ҳокимияти таъсирини ёйиш билан динга қарши кураш кампанияси кучая борди. РКП (б) МҚнинг 1921 йил июль пленумида ҳам динга қарши тарғибот ишлари ҳолати ва кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Пленумнинг 1921 йил 26 июлдаги РКП(б) программасининг 13-банди ва “динга қарши ташвиқотдаги бузилишларга нисбатан муносабат” номли қарори 11 та банддан иборат бўлиб, унда партияга диндорларни қабул қилишдаги қаттиққўллик, зиёлиларни партияга қабул қилмаслик, партия аъзоларини черков билан ҳар қандай алоқаларига чек қўйиш, динга қарши тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш, бу борада адабиётлар чоп этиш, жамиятда диний ақидалар ролини пасайтириш каби масалалар қайд этилди[16].

Хусусан, 1921 йилдаёқ РКП(б) МК Агитпрототделнинг ташвиқот бўлимида “Динга қарши комиссия” тузилган бўлиб, унинг ишига кўплаб соҳа вакиллари жалб этилган эди[17]. Ушбу комиссия зиммасига динга қарши кураш олиб бориш босқичма-босқич тарзда, аксарият тарғибот-ташвиқот ишларига урғу бериш масалалари юклатилди. Ушбу масала кейинчалик Туркистон Компартиясининг VII съездида (1923 йил 11-16-март) ҳам қайд этилиб, махсус “Туркистон шароитида динга қарши ташвиқот тўғрисида” номли тезисларни ҳам қабул қилган эди[18]. Ушбу тезисларнинг асосий моҳияти ҳам аввало маҳаллий коммунистлар орасида атеистик ғояларини кенг тарғиб этиш, аҳоли орасида динга қарши курашнинг мактаб маориф, саводсизлигини тугатиш, “маданий инқилоб” жараёнларига урғу бериш ҳисобланар эди[19]. Совет давлатининг раҳбари, ХКСнинг раиси В.И.Лениннинг янги иқтисодий сиёсат даврида динга қарши кураш жараёнида барча атеистик тарғибот ва ташвиқот ишларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмалари унинг маълум нутқ ва чиқишлари, хусусан “Курашчан материализм ҳақида” номли рисоласида (1922 й.) ҳам тўлақонли ўз аксини топди[20]. Туркистон большевиклари ҳам янгича ижтимоий-иқтисодий шароитда ўзларининг сиёсатида динга қарши ташвиқотини тобора очик қўя бошладилар. Бунда Туркистон АССРда совет ҳокимияти ва компартия мавқеи анча мустаҳкамланганлиги, ўлкадаги совет маъмурияти “омманинг иқтисодий ва маданий-маънавий ривожланишига ҳалақит бераётган ўрта асрларга хос қолоқлик сарқитларини аста-секин бартараф этиш учун партия етарлича заминга эга бўлганлиги” эътироф этилган эди[21]. Шунингдек, бундай шароитда динга қарши ташвиқотни амалга оширишда биринчи навбатда клерикал-реакцион руҳонийларга қарши кураш олиб бориш ҳам асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди[22]. Лекин, шулар билан бир қаторда эътироф этиш лозимки, совет давлати ҳали мамлакатда диннинг ўрни ва роли, мавқеи юқори даражада эканлигини, ижтимоий-маънавий ҳаёт бобида “диний омил” катта аҳамиятга эгалигини, кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатда бу омилга тегишли даражада янгича, яъни нисбатан эҳтиёткор, сабрли, мувозанатни йўқотмаган ҳолда муносабат билдириш лозимлиги ҳақида ҳам қатор кўрсатмалар ишлаб чиққан эди. Яна бир томондан, турмуш тарзи, таълим-тарбияси бевосита диний эътиқодга бориб тақалувчи кўплаб мусулмон совет, партия идоралари вакиллари орасида ҳам динга қарши кескин кураш ҳокимият манфаатларига зид келиши тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар устувор бўлган. Албатта, тегишли совет органлари томонидан буларнинг барчаси асосан ҳисобга олинди. Масалан, 1922 йилги диний секта ва умуман диний гуруҳларга муносабат борасидаги директиваларда уларнинг фаолиятида, айниқса оддий руҳонийлар орасида совет ҳокимиятига қарши душманлик руҳи бўлмаса, улар “буржуа ва антисовет ташкилотлари билан алоқадорликда турмасалар”, у ҳолда бу руҳонийлар гуруҳлари хўжалик ва фаолиятида қонунчилик доирасида қўллаб-қувватлаш ҳам қайд этилган эди[23]. Шунингдек, мусулмон руҳонийларини Ўрта Осиёда, компартия сафларига ҳам қабул қилишга рухсат берилган эди. Масалан, 1923 йилги ҳисобга қараганда Бухоро

компартиясининг 65,5% ни диндорлар ташкил этганлар. Бухоро коммунистлари курултойида (съезд) уч нафар дин арбоби ҳам иштирок қилган. Рамазон вақтида ҳукумат аъолари тўлиқ намоз ўқишга чиқишган, бирга диний байрамларни нишонлашган[24]. Большевиклар партияси ва совет ҳукумати маҳаллий ҳудуддаги мусулмон руҳонийларини ўзлари томон жалб этиш учун ҳам турли саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Хусусан, бирламчи масала руҳонийларни қуроли қаршилик ҳаракати сафидан чиқариш, уни совет ҳокимиятига ҳайрихоҳ қилиш эди. Хусусан, 1923 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Бутунлақай аҳоли йиғинида лақай ўзбек қабилалари муллалари иштирок этдилар. Улар бир овоздан совет ҳукумати исломга зид эмаслигини таъкидлаб, шарқий Бухородаги вазиятга катта таъсир ўтказдилар. Бундай йиғилиш 1924 йил қишида ҳам амалга оширилди. Бухоро Республикаси 113 та уламози томонидан имзоланган мурожаатномада ҳам қуроли қаршиликни тугатиш масаласи баён этилган эди[25].

Мусулмон уламолари, руҳонийлари кўп ҳолда партия ячейкаларини ҳам бошқарганлар[26]. РКП(б)нинг 1923 йил апрель ойида бўлиб ўтган XII съездида динга қарши олиб борилаётган кураш заиф, у аксарият маъмурий характерга эга эканлиги танқид қилинади. Партия резолюцияларида советлар мамлакатидagi 30 миллионлик мусулмон аҳолиси орасида панисломизм, пантуркизм ғоялари, яҳудийлар ичида сионистик руҳдаги, “клерикал-кадет” гуруҳлари таъсири кучайиб бораётганлиги, полякларда католик руҳонийлари мактаб тизимини қўлга олишга ҳаракатлари кучаётганлиги, латишлар ва эстонлар орасида баптизм ғоялари ўсиб, ёшларни ўз таъсирига ола бошлаётганлиги қайд этилади[27]. Бу борада 1922 йил 4 февралда РКП (б) МҚнинг жойларга юборган “Динга қарши курашнинг йўлга қўйилиши” тўғрисидаги циркуляр хатидаги “доимий ва тизимли кураш” моҳиятига мувофиқ НЭП даврида кураш юқорида таъкидланганидек, ғоявий аснода бўлмоғи лозим эди[28]. Шу боисдан ҳам 1922 йилданок динга қарши семинарлар, тўғараклар, маърузалар ва бошқалар ташкил этила бошлаб, бу борада атеистик характердаги матбуот ҳам шакллана бошланди. Тўғри, бу борада қоғоз, техника, ходимлар тақчиллиги бўлиб, маълум вақт П.А.Красиков раҳбарлигидаги “Революция и церковь” журнали, баъзи плакат, варақалардан бошқа деярли ҳеч нарса чиқмади[29].

Лекин, тезда ҳукумат чора-тадбирлари билан 1922 йили доимий динга қарши матбуот иши йўлга қўйилди. Хусусан, Москвада тез орада “Атеист” газетаси (15 000 нусха), декабрдан эса таниқли совет мафкуравий арбоби Е.М.Ярославский таҳрири остида “Безбожник” (“Худосиз”) газетаси ва шу номдаги журнал чоп этила бошланди[30].

Бу борада Туркистон ўлкасидаги вазият унга хос барча хусусият ва жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда кечди. 1922 йил 12 майда Туркистон компартияси МҚ Тошкент эски шаҳар кўмитаси билан ҳамкорликда “Босмачилик билан курашиш ва РКП(б)нинг Туркистондаги навбатдаги вазифалари” масаласи бўйича V пленум бўлиб ўтди. Мазкур пленумда Туркистон компартияси МҚ раиси А.Раҳимбоев қатнашиб, маъруза қилди. Мазкур пленумда мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият муҳокама қилинди. Унда

ислом дини, умуман бошқа динларга ҳам маълум эркинлик бериш, қозилик, бийлик судларини тиклаш, мактаб, масжид, мадрасаларга, уларга қарашли бўлган вақф мулкларини қайтариш, совет қонунчилигини шариат тартибларига мослаштириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди[31]. Ушбу қарорда совет ҳукуматининг мусулмон шарқида ислом ва шариат анъаналари билан муҳолифат тўқнашувига бормаслиги, “империализмга қарши кураш” жараёнида совет ҳукумати мусулмон аҳолисини қўллаб-қувватлаши қайд қилинган эди. Республика Юстиция халқ комиссари Дўстмухаммедов бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, Туркистон МИҚ эса тегишли вақт ичида халқ судлари, бийлар фаолияти, вақфларни бошқариш, шариат масалаларини маҳаллий аҳоли турмуш тарзига мослаштирилиши қарорда белгилаб қўйилди[32]. РКП(б) МҚнинг 1922 йил 18 майдаги “Туркистон – Бухоро ишлари тўғрисида”ги қарорига кўра эса “тинч меҳнатга қайтишни истаган барча босмачиларга авф эълон қилиш, вақф ерларини уларнинг собиқ эгаларига қайтариш ва маҳаллий судларни тиклаш”, масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қарор асосида РКП(б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) Г.К.Ордженикидзе ва Ш.Элиаваларнинг бевосита иштирокида Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги совет ва партия раҳбар органлари вақф ерларини аввалги эгаларига қайтариш, шунингдек, қозилик судларини тиклаш бўйича амалга оширилиши керак бўлган масалалар бўйича ҳам келишиб олинди[33]. НЭП даврида юзага келган тегишли ижтимоий-сиёсий вазият, дин борасидаги партия кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Туркистон Республикаси Советлари МИҚ 1922 йил 20 июнда “Туркесепублика мадраса ва масжидларига вақфларни қайтариш ҳақида”ги 75-сонли декретни эълон қилди[34]. Унга кўра вақф мулклари қайтариб берилганидан кейин, ушбу мулклардан фойдаланиш натижасида тушадиган маблағлар “мадраса ва масжидларни мактабларни сақлаш, тегишли биноларни таъмирлаш, мадраса ва мактабларда фаолият кўрсатувчи мударрис, муаллим ва бошқа хизматчиларга ҳақ, тўлаш” учун ишлатилинадиган бўлди.

ХУЛОСА

Натижада мактаб ва мадрасалар фаолияти қайта ташкил этилди, улардаги ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритилди, мактаблар нисбатан эркин фаолият юритиб, диний ўқув даргоҳлари фаолиятига советлар аралашувига деярли чек қўйилди[35]. Шу даврда мактаб ва қисман мадрасалар сони кўпая бориб, талаба ва ўқувчилар сони ҳам ошиб бора бошлади. Бу хусусда А.Икромов таъкидлаганидек, “диний ва вақф ерлари ҳақидаги масалани иккинчи навбатда ҳал қилиш керак...” эди[36].

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. -Б.261. Десятый съезд РКП (б). Стенографический отчет. М., 1963. – С.25-32 и далее; Десятый съезд РКП (б)

8-16 марта 1921 г // КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т. 2/8. Изд. – М., 1970.

2. Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. Т, 44. 5-русча нашридан таржима. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1979. –Б.180

3. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. Ташкент: “Узбекистан”, 1988. г. -С.133-136.

4. НЭП даври моҳияти бўйича қаранг: Валентинов А. Новая экономическая политика и кризис партии после смерти Ленина – М: Современник, 1991; Голанд Ю.М. Кризисы; разрушившие НЭП. –М.; 1991; Его же. Дискуссия об экономической политике в годы денежной реформы 1921-1924 гг. М. Экономика, 2006; Медведев Р.А. О Сталине и сталинизме. М.: Прогресс, 1990; Ратьковский И.С., Ходяков М.В. История Советской России. –СПБ., 2001; Озерова Н.Г. Дехканство Туркестана в условиях перехода к НЭПу. Автореф.канд.ист.наук. Ташкент, 1997; Гаибназаров Ш.Г. Общественная развития Узбекистана в 20-х годах: противоречивость политических тенденций. Автореф.дисс.докт.полит.наук. Ташкент, 1994; Лельчук В.С. НЭП и его судьба//Историки спорят, М., 1988; С.122-190; Аминова Р.Х.Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода советского государства к НЭПу (1921-1924 гг). Ташкент, 1965; Перпер М.Я. Новая экономическая политика в Туркестане (1921-1924 гг) Автореф.дисс.канд.эконом.наук.Ташкент, 1964; Пулатова М. Переход Туркестанской АССР к новой экономической политике (1921-1924 гг). Автореф.дисс.канд.ист.наук, Ташкент, 1968; Каримов Р.Х. Социально-экономическое развитие Узбекистана в 1921-1925 годы: узловые аспекты, исторический опыт. Автореф.дисс.докт.ист.наук. Ташкент, 1989; Назаралиева Г.Н. Общественно-политическая жизнь в узбекском кишлаке (1925-1929 гг) Автореф.дисс.канд.ист.наук. Ташкент, 1990; Алексеева Е.А. НЭП в современной историографии. Автореф.канд.ист.наук М., 1995; Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик II жилд. Масъул муҳаррир проф. Р.Ҳ.Муртазаева, Ташкент: Янги аср авлоди, 2019; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 2та китоб. Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. Ташкент: O'zbekiston, 2019 ва бошқалар.

5. Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. – М., 1975. –С.182.

6. Росяков А.А. Средазбюро ЦК РКП (б) (Вопросы стратегии и тактики). Ашхабад, 1975. – С. 23-24.

7. Поляков Ю.А. Переход к НЭПу и советское крестьянство. М., 1967. С.19-23, 25 и др; Трифонов И.Я. Классы и классовая борьба в СССР в начале НЭПа (1921-1925 гг). Л., 1969. – С. 23-29 и др; Время трудных вопросов. История 20-30-х годов и современная мысль // Правда, 1988, 3 октября; Алимова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода советского государства к НЭПу (1921-1924 гг). Ташкент, 1965. С.3-9, 11-15 и др; Назаралиева Г.Н. Общественно-политическая жизнь в узбекском кишлаке (1925-1929 гг) Автореф.дисс.кан.ист.наук. – Ташкент, 1990, -С.7-9, 11-20; Пулатова М. Переход Туркестанской АССР к новой экономической политике (1921-1924 гг.) Автореф.дисс.канд.ист.наук. Ташкент, 1968. С.5-16 и др;

Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М., 1930; Народное хозяйство Средней Азии. Ташкент, 1927. №10-12; Ризаев Г. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг), Ташкент, 1967. С. 29-35, 37-43 и др; Лебедева В.Г. Судьба массовой культуры России. Вторая половина XIX - первая четверть XX века. – СПб., 2007. С. 201-209; Тарасенко В.Н. Нэповская повседневность в современной российской историографии. Атореф.канд.ист.наук. М., 2013. С. 7-10, 12-15, 17 и др.

8. Ленин В.И. Полн.собр.сог.-Т.17. М., -С.418.

9. Съезды Советов Союза ССР, союзных и автономных советских социалистических Республик. -М., 1959. Т.-С.449.

10. Қаранг: Гидулянов П.В. Отделения церкви от государства в СССР. - М., 1926. -С.61-62; Саидбаев Т.С. Ислам и общество.опыт историко-социологического исследования. Изд.второе, допол. М., Издательство «Наука» Гл.ред.вост.лит.1984. -С.159; Мустафаева Н. Ислам и власть (20-е годы XX в.)// Ижтимоий фикр Инсон ҳуқуқлари. №1. (33). Тошкент, 2006. - Б.150.

11. Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. Коммунистическая партия Туркестана в период восстановления народного хозяйства (1921-1924 гг.). Тошкент, 1960. -С.65.

12. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб ... Б. 337.

13. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК, Том II - М., 1970 – С. 147.

14. ЎзМА, Фонд-И-34, 1-рўйхат, 34-иш, 4-варақ.

15. ЎзМА, Фонд-И-25, 1-рўйхат, 218-иш, 3-варақ

16. <https://docs.historyrussia.org>.

17. ru.m.wikipedia.org.

18. ЎзР ПАА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3268-иш, 1-2-варақлар; ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 1078-иш, 1-варақ.

19. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. – Ташкент: «Узбекистан», 1988, -С.257-258 и др.

20. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб... -Б.338

21. Ўша жойда.

22. Василевский К. Ислам на службе контрреволюции. М., 1930. – С.11,13-15; Степаненко А. О характере антиисламской пропаганды в СССР / ru.m.wikipedia.org.ukr.

23. О религии и церкви. Сборник высказываний классиков марксизма-ленинизма, документов КПСС и Советского государство: М., 1981. -С.60

24. ЎзР ПАА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1171-иш, 37-варақ.

25. Иркаев И. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе, 1971. – С. 451-452.

26. Вишневский А. Как это делалось в Средней Азии // Наука и религия. 1990 №2. -С.52.

27. О религии и церкви ... -С.62.

28. Атеизм в АССР: Становление и развитие. М., 1986, С.33.; Алексеев В.А Указ. Соч. С.271.

29. О религии и церкви ... С.63.
30. Воронцов Г.В. Массовой атеизм: становление и развитие. - Л., 1983. - С.82-83
31. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 55 “А”-иш, 952-варак; Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири XX асрнинг 20-йиллари) Тарих фан.номз.илм.дараж. олиш учун дисс.автореферати. Андижон, 1996. Б.7-10, 12-15 ва бошқалар.
32. Комилов О.К. Кўрсатилган дисс. Б.64
33. История коммунистических организаций Средней Азии. – Ташкент, 1967. С.687.
34. Ўзбекистон Миллий архиви. Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1114-иш, 55-59 вараклар.
35. Комилов О.К. Кўрсатилган дисс. Б.65-66.
36. Икромов А. Избранные труды: В3-х томах. - Ташкент, 1972. -Т.1. - С.168.

Адилов А.А.

Д.и.н., доцент кафедры «Новейшей истории Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

A_odilov@gmail.com

ИЗ ИСТОРИИ НОВОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ (НЭП) И РЕЛИГИОЗНОЙ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье проанализирована религиозная политика советской власти в Туркестане в период Новой экономической политики (1921–1924 гг.), её взаимоотношения с мусульманским населением, а также компромиссные и идеологические подходы к религии. Кроме того, освещены отношение советской власти к религиозным организациям и духовенству, а также процесс формирования политики антирелигиозной пропаганды.

Ключевые слова: Туркестан, Новая экономическая политика, советская власть, религиозная политика, ислам, мусульманское духовенство, атеистическая пропаганда.

Adilov A.A.

DSc., associate professor at the department of «Modern history of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

A_odilov@gmail.com

FROM THE HISTORY OF THE NEW ECONOMIC (NEP) AND THE RELIGIOUS POLICY OF THE SOVIET STATE

ABSTRACT

This article analyzes the religious policy of the Soviet government in Turkestan during the period of the New Economic Policy (1921–1924), its relations with the Muslim population, and its conciliatory as well as ideological approaches toward religion. It also examines the Soviet authorities' attitude toward religious organizations and clergy, as well as the formation and development of anti-religious propaganda policies.

Key words: Turkestan, New Economic Policy (NEP), Soviet government, religious policy, Islam, Muslim clergy, atheist propaganda.